



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOG'-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI

BUYRUQ

2023-yil "15" "06"

54 - son

Toshkent shahri

**Давлат харидларига оид
хужжатларни тасдиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида" ги ЎРҚ-684-сон Қонунига мувофиқ,

БУЮРАМАН:

1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг харидларга оид ички меъёрий хужжатлари куйидаги иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

Давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш ва тендер оркали амалга ошириш бўйича харид комиссиясининг таркиби, 1-иловага мувофиқ;

Таклифларнинг техник қисмини кўриб чиқиш ва техник худосаларни рағсийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар таркиби, 2-иловага мувофиқ;

Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология харид комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 30 августдаги 112-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилиши назорат қилиш вазир ўринбосари А.Қадирходжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

Б. Исламов

**Давлат харидларини энг яхши таклифларни тайлаш ва тендер орқали
ямалга ошириш бўйича харид комиссияси
ТАРКНБИ**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
Комиссия раиси		
1.	Кадирходжаев А.А.	Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг ўринбосари
Комиссия раисининг ўринбосари		
2.	Ходжамонов Ю.Н	ГКН молниялаштириш ва техник мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
Комиссия аъзолари:		
3.	Маматов Б.А.	Стратегик ривожлантириш ва трансформация бошқармаси бошлиғи
4.	Хайбуллин Т. Р.	Бухгалтерия ҳисоби бўлими бошлиғи
5.	Мағдиев Ф.Н.	ГКН техник мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи
6.	Норматов С.Х.	Бюджетни шакллантириш ва модиялаштириш бўлими бошлиғи
7.	Ҳеъमतова М.И.	Давлат харидлари бўйича бош мутахассис

*Иш: Ишчи гуруҳ аъзолари бошичи ишга ўнган тарафда, унинг таркибига ушбу лавозимда
ишга тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажарган тоқлидан шахслар қаратилади.*

**Ташқиқотнинг техник қисmini кўриб чиқиш ва техник ҳулосаларни
расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар
бўйича ишчи гуруҳлар
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш.	Ишчи гуруҳ аъзолари лавозими
Қон-бурғилаш, энергетика, технологик ва ёрдамчи ускуналар, автотранспорт воситалари ва йўл қурилиш техникаси бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари		
1	Жаббаров Д.Н.	Тоғ-қон санъати ва геология вазирлигининг бош мутахассиси
2	Назаров Э.А.	Тоғ-қон санъати ва геология вазирлигининг бош мутахассиси
3	Эшмуминов Б.Т.	Тоғ-қон санъати ва геология вазирлигининг етакчи мутахассиси
Лаборатория ускуналар ва дастурий таъминот бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари		
4	Мовланов Ж.Ж.	Геоинновацион технологиялар маркази директори
5	Ташканбаев О.Н.	Марказий лаборатория бошлиғи
Углеводород ва геофизик ва илмий-тадқиқот ускуналари бўйича ишчи гуруҳлар аъзоси		
6	Тошқулов А.Д.	Нефть газ геологияси бўлими бошлиғи

*Ишчи гуруҳ аъзолари бундан шунга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янги
тайинланган ёки замонавий тегишли функцияларга бажаришга қодир шаклда қайта кўриб чиқиш
керак.*

***Ишчи гуруҳ аъзолари қариларининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фақлиятини амалга
ошириш учун шунинг қариларини мундациосиларини эксперт сифатида жалб этиш мумкин.*

Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-қон саноати ва геология вазирлигида (кейинги ўринларда - Қон-геология вазирлиги) харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини энг яхши тақлифларни танлаш (кейинги ўринларда танлаш) ва тендер орқали ўтказилишини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аванс тўлови – қонунчиликда белгиланган тартибда Қон-геология вазирлиги ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларининг зақаматини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

воситачилик йиғими – давлат харидларининг электрон тизими операторининг харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлари учун ундириладиган йиғим;

тақалат – Қон-геология вазирлиги томонидан электрон дўкон ёки бошланғич нархни пайсатириш учун ўтказиладиган аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг тақлифларини таъминлаш усули;

давлат буюртмачиси – Қон-геология вазирлиги (Бюджет буюртмачиси);

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия – ваколатли орган томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат органлари, давлат харидлари электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларида иборат таркибда тузиладиган комиссия;

давлат харидларининг режа-жадвали – Қон-геология вазирлиги томонидан йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;

давлат харидларининг электрон тизими – электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда – оператор) – давлат харидларининг субъектларида давлат харидларининг электрон

тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилган, ваколатли орган томонидан белгиланган махсус ваколатли юридик шахс;

лот – турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жамланмаси сифатида Кон-геология вазирлиги томонидан белгиланган ва алоҳида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома бўйича харид предмети ҳисобланган миқдорий қисм;

шахсий кабинет – электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, давлат харидлари субъектлари, харид комиссиясининг маъсул котиби, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг махсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидаги индивидуал саҳифаси;

электрон таклиф – энг яхши таклифларни таклиф ва тендер тартиб-таомилда қатнашиш учун харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўз шахсий кабинети орқали электрон кўринишида юборадиган таклиф;

кадам ўлчови – бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционнинг бошланғич ва ёки ўндан олдинги харид қилиш тартиб-таомил иштирокчисининг нархини пасайтиришининг фоз кўринишида белгиланадиган интервали;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларга - ХККП) – аванс тўловларини депонентдан ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларини кўришни таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлими.

3. Бюджет буюртмачиси қадри келтинув тартиб-таомил орқали давлат харидларини амалга ошира олмайд.

4. Кон-геология вазирлигининг давлат харидларида тайёрларини қўйидагиларни ўз ичига олади:

махсус ахборот порталида давлат харидларининг режа-жадвалларини жойлаштириш;

қонунийлик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда электрон давлат харидларни иштирок этиш учун аванс тўловларини киритиш;

давлат харидларининг электрон тизимга давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш;

махсус ахборот порталида Кон-геология вазирлиги ўзи билан аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш.

5. Давлат харидларининг йиллик ва чорақлик режа-жадвалларини махсус ахборот порталида жойлаштириш тартиби ва муддатлари:

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари жорий йилнинг 25 мартга қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси чорақ учун давлат харидларининг чорақлик режа-жадваллари Кон-геология вазирлиги томонидан жорий чорақ охириги ойнинг 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Кон-геология вазирлиги давлат харидларининг йиллик ва чорақлик режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Бунда харид қилиш тартиб-таомил ўтказилишидан қамқиди уч иш кунни олдин давлат харидлари режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилади.

Кон-геология вазирлиги 1-жадвалда келтирилган ҳужжатларни махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

№	Ҳужжатнинг номи	Муддат	Ишрочи
1	Йиллик режа-жадвали	Жорий йилнинг 25 мартигача	Ишларни бошқариш бўлими
3	Чораклик режа-жадваллари	Жорий чорак охириги ойининг 25 санасигача	Ишларни бошқариш бўлими
4	Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлар	Таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камиди 5 иш куни олдин	Давлат харидлари бўйича бош мутахассиси
5	Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлар	Таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камиди 12 иш куни ва кўпи билан 30 иш куни олдин	Давлат харидлари бўйича бош мутахассиси
6	Шартнома натижалари: танлов, тендер, тўғридан-тўғри	Уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши шарт	Давлат харидлари бўйича бош мутахассиси

6. Давлат харидларининг режа-жадвали ҳибдаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

харид предмети;

харид предметининг миқдори ва нархи;

харид ўтказиладиган ой;

давлат буюртмасининг номи ва манзили;

харид предметни мезиялаштириш шартлари ва муддатлари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бошқариш ва хизматларни кўрсатиш жойи (манзили).

7. Қон-геология вазирлиги билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган ҳужжатли қоритувчи субъект харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (кейинги ўринларда — иштирокчи) бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Электрон давлат харидларини ўтказишнинг умумий шартлари

8. Электрон давлат харидларида иштирок этиш учун:

Қон-геология вазирлиги операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг заҳиятини (бундан харид комиссияси томонидан заҳият тўлаш талаби белгиламаган ҳоллар мустасно);

Қон-геология вазирлиги операторининг воситачилик йиғимини ХККПдаги шахсий ҳисобварақларига ўтказадилар.

Қон-геология вазирлиги электрон давлат харидларида иштирок этиш учун заҳият ХККПга ўтказиши талаб этилмайди.

9. Қон-геология вазирлиги электрон давлат харидларидаги иштирокчиларни электрон рақамли имзолардан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. ЭРИда фойдаланиб давлат харидларининг электрон тизими орқали тузилган давлат харидлари тўғрисидаги шартномалари ҳақиқий ҳисобланади.

10. Қон-геология вазирлиги эълон ёки оферта бўйича Молия вазирлигининг давлат мезиясини бошқариш ахборот тизими (кейинги ўринларда — ДМБАТ) томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек, уларнинг ХККПдаги ҳисобварақларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

11. Кон-геология вазирлиги томонидан шахсий кабинет орқали аукцион, танлаш ва тендер ўтказишда тўғрисидаги тълон жойлаштирилиб ёки электрон дўконида иштирокчиларнинг офертаси танланиб, давлат харидларининг электрон тизими электрон давлат харидлари ақунарига кўра тузилган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун молиялаштириш маъбуларининг нисбатига олган ҳолда керакли сўммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни ДМБАТдан олгандан сўнг ушбу тълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмининг фаолаштирилиши.

12. Электрон дўкон ва аукцион ўтказишда Кон-геология вазирлиги қиритган талабатларни шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

13. Кон-геология вазирлиги томонидан танлаш ёки тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан талабат қиритиш шаруати ҳамда қиритилган талабат миқдори харид комиссияси томонидан белгиланади. Иштирокчиларнинг талабати оператор томонидан галиб аниқлангунга қадар банд қилиб қўйилади.

Танлаш ёки тендер галибининг талабати шартнома тузилгунга қадар банд қилиб қўйилади. Бунда галиб шартнома тузишнинг рад этган ҳолатида, унга талабат сўммаси қайтариб берилмайди.

Танлаш ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда иштирокчиларнинг қиритган талабати шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

Талабат миқдори тақлишнинг ўтказишда товар (иш, хизмат) қийматининг 1 – 3 фоизи, тендер ўтказишда эса 1 — 5 фоиз доирасида белгиланишига йўл қўйилади. Бунда харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан тақлифларнинг гаров ёки қифонат тарвида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулда таъминлангани шаруралиги тўғрисидаги талабни белгиланишига ҳақли.

14. Оператор томонидан Кон-геология вазирлигидан ундирилган воситачилик йиғинми миқдори ваколатли орган томонидан белгиланади ва барча операторлар учун ягона ҳисобланади.

15. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимида қуйидагиларни амалга оширади:

Кон-геология вазирлиги қиритилган аванс сўммасига мувофиқ хар бир лот бўйича электрон давлат харидларининг фойдаланиш имкониятини яратиш;

электрон давлат харидларининг ўтказиш;

иштирокчиларнинг аниқлини ва шартномани шакллантириш;

электрон давлат харидлари иштирокчиларининг тақлифларини Иқтисодиёт ва молли вазирлиги ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молли вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги, Адлия вазирлиги маълумотлар базаларига интеграциялашуви орқали баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар билан Кон-геология вазирлиги ва харид комиссиясини таъминлайди.

16. Электрон давлат харидларининг ақунага кўра давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилади ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилади, шунингдек, тузилган шартномалар электрон реестрга қиритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

17. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Иқтисодиёт ва молли вазирлиги ва операторнинг маълумотлар базаларига электрон ҳамкорлиги орқали Иқтисодиёт ва молли вазирлигига юборилади.

18. Иқтисодиёт ва молли вазирлиги шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг Кон-геология вазирлигининг шартномаларининг бир ин қуши мобайлида

автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олади, шунингдек, электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ХККПга ўтказиб беради.

Кон-геология вазирлиги тизими ёки тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ХККПдаги шахсий ҳисобварақларидан фойдаланмишган ҳолда амалга оширади. Бунда олинган тўлов шартлари шартномада назарда тутилди.

19. Агарда Кон-геология вазирлиги электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаса, унинг заҳалати **бир иш куни**да ижрочининг ХККПдаги тегишли ҳисобварақига ўтказилади.

20. ХККП Кон-геология вазирлигидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва маблағлар тушган кундан **кейинги иш куни**да кечиктиривасдан бу ҳақда ижрочига хабарнома юборди.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

21. Кон-геология вазирлиги электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ қабул қилганидан кейин **уч иш куни** мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни ўзининг шахсий кабинетидан фойдаланган ҳолда операторга юборишга мажбур.

22. Оператор танлаш ёки тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг **бир иш куни** давомида заҳалатни банддан ечиши ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисобварақига қайтарди.

Агар танлаш ёки тендер бўйича қарор қилиш ҳужжатларида ижрочининг қиритган заҳалати шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилинганга қадар банд қилиб қўйилганини назарда тутувчи талаб белгиланган бўлса, заҳалат ушбу талаблар бажарилганга қадар банддан ечилмайди.

23. Электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича етказиб бериш муддати тугагандан сўнг товарлар (ишларни, хизматлар) етказиб берилганини ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими **бир иш куни** мобайнида автоматик режимида Кон-геология вазирлиги ва Иктисодиёт ва маъна вазирлигини хабардор қилади.

24. Кон-геология вазирлиги томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганини ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ХККП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддати тугагач **уч иш куни**дан сўнг:

Кон-геология вазирлигининг шартнома бўйича маблағларига сул ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинганга ёки шартнома бекор қилинганга қадар банд қўяди;

25. ХККП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида заҳалатни банддан ечишни ва (ёки) тегишли ҳисобвараққа ўтказишни амалга оширади.

Бунда ХККП ижрочининг заҳалати Кон-геология вазирлигига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарор ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида заҳалатни бюджет буқортмасининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисобварақига ўтказишни амалга оширади.

26. Операторнинг вестачилик йиғини давлат харидларининг қабулларига кўра битимнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб Кон-геология вазирлиги ва иштирокчининг аяни тўлоқларидан давлат харидларининг электрон тизими томонидан ушлаб қоллинади.

27. Иштирокчиларнинг ва Кон-геология вазирлигининг банди бекор қилинган маблағлари уларнинг талшиқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аяни

шароитлари сифатида фойдаланилиши мумкин. Ёки уларга хизмат кўрсатадиган банклардаги ҳисобварақларига кайтарилади.

28. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

Электрон дўкон;

Бошланғич нархли пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

Танлаш;

Тендер;

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ружусат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

29. Харид қилиш тартиби электрон шаклда амалга оширилиши мумкин. Харид қилиш тартиб-қоидаларининг турлари ва мажбуриятлари 2-жадвалда келтирилган:

2-Жадвал

Сотиб олиш тури/усули	Харид ўтказиладиган жой ва муддати	Харид мезонлари
Электрон дўкон	harid.uzex.uz; xt-harid.uz; 48 соат	- Товарлар учун бир шартнома бўйича 2 500 БҲМгача; - Ишлар, хизматлар учун бир шартнома бўйича 50 БҲМгача; - Бир хил турдаги ишлар, хизматлар бир молия йил давомида 500 БҲМгача; - Бир хил турдаги товарлар бир молия йил давомида 10 000 БҲМгача.
Бошланғич нархли пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион	harid.uzex.uz; xt-harid.uz; Қамода 5 иш куни	- товар стандарт хусусиятларга эга бўлиши керак; - товарнинг техник, эксплуатация қилиниши хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда тўқошлаш керак эмас; - 6 000 БҲМгача бир шартнома бўйича.
Танлаш	etender.uzex.uz; xt-harid.uz; Қамода 5 иш куни	- Голлибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади; - 6 000 БҲМгача бир шартнома бўйича.
Тендер	etender.uzex.uz; xt-harid.uz; 12 иш кунидан 30 иш кунигача	- Голлибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади; - 6 000 БҲМдан ортиқ.
Электрон кооперация портали	cooperation.uz; 48 соат	- маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш;
Тўғридан-тўғри шартномалар		- Қонуннинг 71-моддиси - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори

3-боб. Электрон дўкон

1-§. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

30. Электрон дўкон воситасидаги давлат харидлари ушбу низомига 3-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

31. Электрон дўкон воситасидаги давлат хариди 3-жадвалда белгиланган меzonларга мувофиқ амалга оширилади.

Кон-геология вазирлигининг томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айни бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир млнга йили давомда базавий ҳисоблан шикдорининг **ўн минг бараваригача** амалга оширилиши мумкин.

Кон-геология вазирлигининг томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айни бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир млнга йили давомда базавий ҳисоблан шикдорининг **беш юз бараваригача** амалга оширилиши мумкин.

32. Иштирокчи электрон дўконда ўти жойлаштирган дхборотнинг қишқичлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

2-§. Электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш

33. Электрон дўкон орқали давлат харидлари нархлар сўрови механизмидан фойдаланган ҳолда низомининг 3-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

34. Нархлар сўрови механизми давлат буюртмачисига ўқиши товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган иштирокчилардан пастроқ нархни сўраш нмакоиятини такдим этаётган давлат харидларининг электрон тизими функциясидаш нборат.

35. Ижрочи ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумот (уларнинг номи, СТИР, таклиф суммалари) ҳолиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида ас эттирилади.

36. Кон-геология вазирлиги электрон дўконининг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини ҳудудлар (вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириши мумкин.

Бунда электрон дўконининг қўшимча саҳифасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Кон-геология вазирлиги электрон дўконда “миллий дўкон” ячейкасини танлабди;

давлат харидларининг электрон тизими Кон-геология вазирлиги жойлаштиган ҳудуд бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг (ишни бажарувчиларнинг, хизмат кўрсатувчиларнинг) таклифлари жойлаштирилган қўшимча саҳифани очди.

“Миллий дўкон” ячейкасининг “қидирув” тугмасидан фойдаланилганда давлат харидларининг электрон тизими Кон-геология вазирлиги жойлаштиган ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан сўралиб берилган товарни (ишни, хизматни) қидиради.

37. “Миллий дўкон” орқали харидларни амалга оширишда давлат харидларининг электрон тизими нархлар сўрови механизмининг фақат Кон-геология вазирлиги жойлаштиган ҳудуддаги (вилоятлар ва Тошкент шаҳри) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) орасида тоборилишини таъминлайди.

38. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш 3-жадвалда келтирилган:

Боскичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-боскич	Иштирокчи	Электрон дуконда ўз офертасини ўн беш иш кунига жойлаштиради.	Ихтиёрий равишда
2-боскич	Кон-геология вазирлиги	Электрон дуконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишиқ, хизматни) танлайди ва нарх сўрови механизмидан фойдаланади.	Ихтиёрий
3-боскич	Давлат харидларининг электрон тизими	Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек, электрон дуконда ўқшаш товарларни (малларни, хизматларни) таклиф этилган барча иштирокчиларга нархлар сўрови механизмининг амалга оширган ҳолда харид қилиш тартиб-таъомилда иштирок этиш тўғрисида таклифларни юборади.	Автоматик равишда
4-боскич	Таклифларни олган иштирокчи	Нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисида таклиф тушгандаёқ сўнг ўз таклифларини бериши мумкин.	48 соат ичида
5-боскич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларини тиккословини амалга оширади. 2. Кон-геология вазирлиги томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шартномани шакллантиради. 3. Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни шартномаларнинг ягона реестрига киритади. 4. Агар харид қилиш тартиб-таъомилнинг якунига кўра фақат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган бўлса, Кон-геология вазирлиги ва иштирокчи ўртасида электрон шаклда савдоланиш имконини яратди ва савдолар якунига кўра шартномани шакллантиради ёки харид қилиш тартиб-таъомилнинг ўтказилмаган деб тонади.	Автоматик равишда
6-боскич	Кон-геология вазирлиги	Товарлар шартномада кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ қабул қилинади.	Шартномада кўрсатилган муддат давомида

4-боб. Аукцион

1-§. Аукцион воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

39. Аукцион воситасидаги давлат харидлари ушбу низомига 4-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

40. Аукцион воситасидаги давлат хариди 2-жадвалда белгиланган мезонлар бир вақтининг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш

41. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш учун Кон-геология вазирлигини махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ аукцион туғилган санадан кийин беш иш куни аввал эълонни жойлаштилади.

42. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- аукционнинг биринчи ва охириги куни;
- аукцион предметининг бошлангич нархи;
- аукцион предмети ва унинг хусусияти;
- товарнинг миқдори;
- товарларни etkazиб бериш шартлари ва шартлари;
- товарлар etkazиб бериладиган жой (манзил);

43. Аукцион Кон-геология вазирлигининг эълонда баён этилган талабларини мунобатга олган ҳолда ўтказилади.

44. Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошлангич нархни қадим-бақадан пасайтириш йўли билан ўтказилади. Қадим ўлчови оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади, лекин аукционнинг бошлангич нархининг **3 фойз** миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда бир иштирокчи белгиланган қадим ўлчови миқдорида бошлангич нархни қетма-кет бир неча бор пасайтириш ҳуқуқига эга.

45. Давлат харидларининг электрон тизими Кон-геология вазирлигининг эълонини жойлаштирилган вақтдан ва Интернетда ва маъна вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан маълумотлар алмашишни орқали маблағлар мажбурияти ҳақидаги тасдиғи олингандан сўнг фойдаланилади ва иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни бошлайди.

46. Агар таклиф нархи Кон-геология вазирлиги томонидан берилган бошлангич нархдан паст ва/ёки бошқа иштирокчиларнинг таклиф қилган нархидан паст бўлса, давлат харидларининг электрон тизими иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни тўхатилади.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тавом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни қечланмаган миқдорда бериши ҳақли.

Аукцион уни ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатда (сана ва вақт), бироқ охириги таклиф келиб тушган вақтдан сўнг **ўн** дақиқадан кам бўлмаган вақтда тугатилди деб ҳисобланади.

Маъмур вақт ичида янги таклиф берилган тақдирда, иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати охириги таклиф олингандан сўнг **яна ўн** дақиқага узайтирилади.

Иштирокчиларнинг номин ва улар билан боғлиқлигида доир маълумотлар аукцион солиб бандламагунинга қадар давлат харидларининг электрон тизимида аёс кўрсатилмайди.

47. Аукцион орқали давлат харидларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш муддати уларнинг миқдордан, ҳажмидан, ноблигидан, ишлаб чиқаришга ва (ёки) республика ҳудудига импорт қилишга кетадиган вақтдан ва бошқа ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда етти кундан кам бўлмаслиги керак. Бунда етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган муддатдан олдин етказиб бериши мумкин.

48. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч қим иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва қайта аниқланмайди. Қон-геология вазирлиги аукционни уч иш кунига узайтириши ёки қариди Қонун ва мазкур қаном талабларига мувофиқ электрон дўкон (белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танилаш орқали амалга ошириши мумкин.

49. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказилдиган аукцион воситасида давлат харидларини амалга ошириш 4 жадвалда келтирилган:

4-Жадвал

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қон-геология вазирлиги	Давлат харидларининг электрон тизимига давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ эълон жойлаштирилади.	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Эълон жойлаштирилган вақтдан эътиборан аукцион бўйича иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни бошлабди.	Эълон жойлаштирилган вақтдан бошлаб қаномда беш иш кунин давомиди
3-босқич	Иштирокчи	Аукцион давомида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда бериши мумкин.	Эълонда кўрсатилган муддат давомида
4-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>1. Аукцион якушига кўра берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган иштирокчининг аукцион қалиби шартномада саралаб олади қаномда у ва Қон-геология вазирлиги ўртасидаги шартномани шакллантиради.</p> <p>2. Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига киритади.</p> <p>3. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч қим иштирок этмаган бўлса, аукционни ўтказилмаган деб ҳисобланади.</p>	Автоматик равишда
5-босқич	Қон-геология вазирлиги	Товарлар шартномада кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ қабул қилиниди	Шартномалар кўрсатилган муддат давомида (7 кундан қим бўлмаслиги керак)

6-босқич	Ков-геология вазирлиги	Товарлар шартномада кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ қабул қилинади	Шартномада кўрсатилган муддат давомида
----------	------------------------	---	--

5-боб. Танлаш

1-§. Танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш шартлари

50. Танлаш воситасидаги давлат харидлари ушбу илмомга 5-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Танлаш электрон шаклда ўтказилади.

51. Танлаш воситасидаги давлат хариди 2 жадвалда белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзida бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Танлашни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

52. Танлашни ўтказишда харид комиссияси камиди **беш нафар** аъзодан иборат болиши керак.

Танлашни ўтказишда харид комиссияси аъзоларининг камиди **учдан икки қисми** ҳозир бўлиши лозим, ҳар бир мавзуси ва қабул қилинган қарор баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

53. Харид комиссиясининг масъул котиби:

нишiroкчиларнинг таклифларини танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг расмийлаштирилиш талабларига мос келиши бўйича текширилиши амалга оширади ва текширилиш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезовлар бўйича нишiroкчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимида киритади.

54. Ков-геология вазирлиги харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очилади.

55. Харид комиссиясининг вазоратда киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг мулоқот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан **ёниқ чет** орқали таъминланади.

56. Давлат харидларининг электрон тизимидаги шахсий кабинетта биринчи мартабада қирилаётганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг ранси ҳужжатли юридувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари билан **аффилиланганлик** хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиш шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

57. Харид комиссияси рансининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, танлашни ўтказиш жараёни Ков-геология вазирлиги томонидан янги харид комиссияси ранси тайинлаш унинг қадар тўхтатилади.

58. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда нишiroк этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйини товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортиган деб тан олинади. Харид комиссияси ранси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

3-§. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлаш ўтказилиши тўғрисидаги талонни жойлаштириш

59. Қон-геология вазирлиги томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандак сўнг Қон-геология вазирлигининг мутахассенлари ёки танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва танлашни ўтказиш ҳақидаги шартноманинг матни ишлаб чиқилади.

60. Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича Қон-геология вазирлигининг товарлари (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмининг баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

61. Қон-геология вазирлиги иштирокчиларининг танлаш таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишни учун киритади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида танлаш таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи танлашда четлатилади.

62. Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

63. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари намунавий шаклларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилagan ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси томонидан таъдиқланади.

64. Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчиларнинг танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

65. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг мажбурий этиб белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчиларнинг давлат харидларининг электрон тизими орқали танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатишга олиб келади.

Харид қилиш ҳужжатларига товарни ишлаб чиқарувчига, иштирокчига нисбатан давлат харидларининг асосий принципларига эри бўлган, ошириб юборилган талабларни, шу жумладан иштирокчиларнинг малакасига нисбатан ошириб юборилган талабни (шу жумладан товарнинг, ишнинг ёки хизматнинг сифатиغا, техник хусусиятларига доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятларига (истеъмол қилиш хусусиятларига) доир талаблар шаклида) киритишга йўл қўйилмайди.

66. Қон-геология вазирлиги танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишни учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

67. Харид комиссияси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг мажлисида ёки масофадан туриб Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қўйидагиларни белгилайди:

танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

танлаш таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

68. Танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан келишилганидан сўнг қабул қилинади.

69. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг харид комиссияси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари ҳайта келишилгани ҳарак.

70. Кон-геология вазирлиги харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРҲ билан тасдиқлайди.

71. Тасдиқланган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек, тавлаш ўтказиш қақсидаги эътибор танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан **камиди беш иш куни олдин** Кон-геология вазирлиги томонидан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

72. Зарур бўлган ҳолларда Кон-геология вазирлиги харид комиссияси қарори билан танлаш таклифларини бериш муддатини узайтириш ёки тавлаш иштирокчиларига танлаш таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиш мумкин.

4-б. Танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

73. Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

74. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидан тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

75. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархга бошлангич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларининг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларининг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошлангич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабни кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг маъсул котиби томонидан амалга оширилади.

76. Агар танлаш таклифи Конунинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси маъсул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланishi лозим.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган ҳудда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

Танлаш қоидабундан аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган меҳмонлар ва усул восеида амалга оширилади.

77. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг маъсул котиби танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашига ҳақли. Мазкур жараён **электрон шаклда** ўтказилади.

78. Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолмади.

79. Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

80. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг меҳмонлари бўйича иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш ва тасдиқлаш харид комиссияси томонидан асос берилган ҳолда амалга оширилади.

81. Танлаш буйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан ҳалиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг кўра баҳо тўплаган иштирокчини (баҳо усулидан фойдаланганда);

танлаш таслифларининг техник қисмининг баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг яқин нарх таклиф этган иштирокчини (энг яқин нарх усулидан фойдаланганда) ҳалиб сифатида аниқлайди.

Танлаш таклифларини баҳо усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил баҳо тўплаган бўлса, энг яқин нарх таклиф этган иштирокчи ҳалиб деб топиллади.

Танлаш таклифларини энг яқин нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил баҳо тўплаган бўлса, техник қисми буйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ҳалиб деб топиллади.

Захирадаги ҳалибни аниқлаш маққур баҳолаш шартларида амалга оширилади.

82. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳақида баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланиган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш буйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Бунда дастлабки электрон баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлаш таклифлари кўриб чиқилган ҳақида баҳоланганлиги сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва танлаш иштирокчиларни аҳолига вакилларининг таркиби;

танлаш таклифлари кўриб чиқилган танлаш иштирокчилари;

хар бир танлаш таклифини баҳолаш натижаларининг ёйилмаси;

танлаш таклифлари уларни рад этишининг асосий сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари;

танлаш ҳалибга тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

танлаш ҳалибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), жойлашган жойи (почта манзили).

83. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган қунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилади.

84. Танлашнинг исталган иштирокчиси дастлабки электрон баённома ўқиб қилинганидан сўнг Кон-геология вазиранлиги танлаш ўтказиш натижалари буйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътирозлар юборишга ҳақли.

85. Агар икки иш қунини ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари буйича эътирозлар тузилган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва Кон-геология вазиранлигидан ҳалиб деб топилган иштирокчи ўрнинда шартнома тузилади.

86. Танлаш ўтказиш натижалари буйича танлаш иштирокчиларидан эътирозлар тузилганда, харид комиссияси эътирозларни икки иш қунини ичида кўриб чиқилиш ва тегишли қарор қабул қилади.

87. Кон-геология вазиранлиги томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган қундан боньяб уч иш қунини ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

6-§. Танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш

88. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва Ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифлар назарда тутилган шартлар асосида ҳолиб аниқланган вақтдан бошлаб **ўн иш кунидан** кечиктирмасдан тузилади.

89. Танлашни ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

90. Кон-геология вазирлиги томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишни назарда тутувчи харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш, танлаш иштирокчилари томонидан таклифларни бериш, танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш, ҳолиб ва захира ҳолибини аниқлаш, танлаш натижаларини расмийлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

91. Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш 5-жадвалда келтирилган:

5-Жадвал

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Кон-геология вазирлиги	1. Тоқ сонли ва камидан беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузади. 2. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади. 3. Танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжати лойиҳаси матнини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишини учун электрон шаклда киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Харид комиссияси	Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади.	Заруратга кўра
3-босқич	Кон-геология вазирлиги	Харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Кон-геология вазирлиги	Тасдиқланган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, танлаш ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштиради.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай
5-босқич	Иштирокчи	Танлаш бўйича электрон таклифни ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай

6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>1. Танлаш таклифи иштирокчилар, харид комиссиясен масъул котиби ва аъзолари ва бешта шахслар томонидан кўрилишига йўл қўймайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустафо.</p> <p>2. Иштирокчи таклиф этиётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларининг мавжудлигини текширади.</p> <p>3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юзори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади.</p>	Танлаш таклифларини очини муддати етиб беагунига қадап
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссиясен масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради.	Таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг дарҳол
8-босқич	Харид комиссиясининг масъул котиби	<p>1. Бириктирилган файллардаги маълумотларининг иштирокчининг танлаш таклифига кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади.</p> <p>2. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича қарорни унинг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.</p>	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмагачлиги тўғрисидаги қарорни иштирокчининг шахсий кабинетига юборади.	Қарор қабул қилинган кунда
10-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисминини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

11-босқич	Харид комиссияси	<p>Миндэр кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини овоз бериш орқали таққослашни амалга оширади ва баҳолайди.</p>	<p>Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда</p>
12-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан кейин чиқиб:</p> <p>танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);</p> <p>танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда ишторок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни тақияф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) голиб сифатида аниқлайди.</p> <p>2. Икки ёки ундан ортик иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), тақияш таклифоти барчалан олдин жойлаштирган иштирокчини голиб деб топади.</p> <p>3. Танлаш таклифларини кўриб чиқилиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда шаклландирган дастлабки электрон баённомала қайд этади.</p>	<p>Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда</p>
13-босқич	Харид комиссияси аъзолари	<p>Дастлабки электрон баённомани ЭРИдан фойдаланган ҳолда имлолайди</p>	<p>Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмишан муддатда</p>
14-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	<p>Дастлабки электрон баённомани муҳокама учун жойлаштирилади.</p>	<p>Дастлабки баённома расмийлаштирилган кундан эътиборан икки иш кунида</p>
15-босқич	Харид комиссияси	<p>1. Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш утқазин натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу</p>	<p>Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш</p>

		тўғрисида тегишли электрон бейномани расмийлаштиради. 2. Ташлаш ўтказиш натижалари бўйича ташлаш иштирокчиларидан эътирозлар туниганда ушбу эътирозларни кўриб чиқали ва тегишли қарор қабул қилади.	кундан кун бўлмаган муддатда
16-босқич	Кон-геология вазирлиги	Ҳалиб деб танилган иштирокчи билан электрон шаклда шартнома тузади.	Ҳалиб аниқланган вақтдан бешлаб ун иш кунинда
17-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда
18-босқич	Кон-геология вазирлиги	Товарлар шартномада кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ қабул қилинади.	Шартномадаш кўрсатилган муддат давомидя

6-боб. Тендер

1-§. Тендерни ўтказиш шартлари

92. Тендер воситасидан давлат харидлари ушбу низомга 5-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Тендер электрон шаклда ўтказилади.

93. Тендер воситасидаги давлат хариди 2-жадвалда белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзидя бажарилган тақдирда амалга оширилади.

2-§. Тендерни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

94. Тендерни ўтказишда харид комиссияси **камидя етти нафар** аъзодан иборат бўлиш керак.

Агар мажлисда харид комиссияси аъзолари умумий сонининг **камидя учдан икки қисми** ҳозир бўлса, харид комиссияси ваколатли ҳисобланади. Барча қабул қилинган қарорлар бейномалар билан расмийлаштирилиши керак.

95. Харид комиссиясининг маъсуд котиби:

иштирокчиларининг таклифларининг тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишини амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

таъдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларининг таклифларини баҳаши натижаларини давлат харидларининг электрон тизимда жойлаштиради.

96. Кон-геология вазирлиги харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва маъсуд котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимда шахсий кабинет очади.

97. Харид комиссиясининг ваколатли кiritилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва маъсуд котибининг мудокоот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан **бнаж чат** орқали таъминланади.

98. Давлат харидларининг электрон тизимдаги шахсий кабинетта биринчи мартаба кiritилганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг раиси ҳужжатли ҳоритувчи субъектлар, шу жумладан, таъбиркорлик субъектлари билан **аффилиланганлик**

хусусиятига эга алоқалар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавоб беради.

99. Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлса, тендерни ўтказиш жараяни Қон-геология вазирлиги томонидан харид комиссиясининг вақтинчалик аъзи раисен таъинланганлигига қадар тўхтатилади.

100. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этмишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссия аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортиш тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссия раисен ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

3-§. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги тълонини жойлаштириш

101. Қон-геология вазирлиги томонидан тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг Қон-геология вазирлиги мутахассислари ёки тендерни ташкил этиш ва ўтказиш учун маъсуул шахс томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва тендер ўтказиш ҳақидаги тълонининг матни ишлаб чиқилади.

102. Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича Қон-геология вазирлигининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисминини баҳолаш аҳамиятига қароб инебий қиймати белгиланади.

103. Қон-геология вазирлиги иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки баъл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишини учун киритади. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендер таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган баёлларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи тендердан четлатилади.

104. Тендер таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

105. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шакллари тўлдиринида миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси билан келишилган ҳолда Қон-геология вазирлиги томонидан тасдиқланади.

106. Баёл усулида фойдаланганда тендер таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича инебий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулида фойдаланганда иштирокчиларнинг таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

107. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда тендер таклифининг мажбурийлиги белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчиларнинг давлат харидларининг электрон тизими орқали тендернинг ҳар қандай босқичда четлатилишига олиб келади.

Харид қилиш ҳужжатларига тошари ишлаб чиқарувчига, иштирокчига нисбатан давлат харидларининг асосий принципларига эга бўлган, ошириб юборилган талабларни, шу жумладан иштирокчиларнинг маънасига нисбатан ошириб юборилган талабни (шу жумладан товарнинг, ишнинг ёки хизматнинг сифатига, техник хусусиятларига доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятларига (истеъмода қилиш хусусиятларига) доир талаблар шаклида) киритишга йўл қўйилмайди.

108. Қон-геология вазирлиги тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишини учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

109. Харид комиссияси ўзининг мажбуриятда ёки масофадан туриб тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари дойирасининг Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқилиши ва қуйидагиларни белгилайди:

тендер таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

тендер таклифларини баҳолаш усуллари ва меzonлари;

тендер таклифи қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш меzonи бўйича нисбий қиймати;

тендер таклифини тазминлаш ҳажми ва шакли.

110. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси унда белгиланган талаблар билан бирга муҳокамага ҳўйилади.

111. Харид комиссияси томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси маъқуланган ҳолда тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

112. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари маъқуланмаган ҳолларда улар қайта ишлатиш учун қайтариб юборилиши ёки харид комиссияси мажлисида қайта ишлатилиши мумкин.

113. Маъқуланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини Кон-геология вазирлиги **ЭРИ** билан тасдиқлайди.

114. Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугайланган санадан **каминда ўн икки иш куни олдин** ва **қўш билан ўттиз иш куни олдин** давлат харидларининг электрон тизимига Кон-геология вазирлиги томонидан жойлаштирилади.

115. Зарур бўлган ҳолларда Кон-геология вазирлиги харид комиссияси қарори билан тендер таклифларини берилш муддатини узайтириши ёки тендер иштирокчиларига тендер таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

116. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида Кон-геология вазирлиги ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таъминлашнинг даражасида берилги (лот) сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда Кон-геология вазирлиги турли товарларини (ишларини, хизматларини) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда **ҳар бир лот учун фақат битта галиб** аниқланиши мумкин.

5-§. Тендер натижаларини сарҳасоб қилиш

117. Тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларини кўриш имкониятини беради.

118. Иштирокчи томонидан бириктирилган ҳужжатлар унинг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимдаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилган бўлиши керак.

119. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нарҳанинг бошланғич нарҳга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган ҳужжатларнинг mavjudлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нарҳдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган тўлдирилмаган майдонлар mavjud бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар mavjud бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими аниқ сабабни кўрсатган ҳолда иштирокчининг тендер таклифини рад этади. Бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг маъсул котиби томонидан амалга оширилади.

120. Тендер таклифларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талаблари ва (тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисmini баҳолаш;

тендер таклифининг нарх қисmini баҳолаш.

Бу ерда давлат харидларининг электрон тизими тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисmlаридан мавжуд бўлган маълумотлар тендер таклифининг олдинги қисми баҳолашнинг якуливиғидан сўнг кетма-кетлик билан ошқор қилинишини таъминлайди.

121. Тендер таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул қотибнинг қарори ушбу асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқлангани лозим.

122. Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига кўрилади.

123. Тендер қилибни аниқлаш учун тендер таклифларини баҳолаш тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

124. Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси масъул қотиби тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

125. Тендер таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисmini баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

126. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисminiнинг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

127. Миқдор кўрсаткичларига асосланган мезонларни баҳолашда:

тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсаткичларнинг энг кам ва энг кўп қиймаглари белгиланишини мумкин;

миқдор кўрсаткичлари энг кам ва энг кўп ҳисобга олинмаган қийматлар қоралиғида бўлган иштирокчилар учун баъз коэффициенти унинг миқдор кўрсаткичининг энг кам ва энг кўп ҳисобга олинмаган қийматларининг фарқига бўлган нисбатини аниқлаш орқали ҳисобланади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ энг кам ҳисобга олинмаган қийматдан кам бўлса, иштирокчининг энг кам баъз қўйилди;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинмаган қийматдан юқори бўлса, унинг кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинмаган қийматдан қай даражада юқорилиғидан қатъи назар унга ушбу мезон бўйича энг юқори баъз берилади;

миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (жисарат) мезонни баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан баълини ушбу мезоннинг ҳисобга олинмаган қийматига қўйиштириш орқали автоматик равишда амалга оширилади.

128. Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харид комиссияси иштирокчиларга шартномани бажариш учун зарур профессионал ва техник малака маълумотларига, қасбий ва техник компетенцияга, молиявий ресурсларга, жиҳозларга ва бошқа моддий имкониятларга, бошқарув малакасига, ишончлилигига, таърибига ва обрўга, шунингдек, инсон ресурсларига эга эканлигига, инсон ҳисил қилиш учун қўшимча мезон ва талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Бунда иштирокчиларни камситишга, савдоларнинг бегга ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб беришга, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган мезонларни, талабларни ва тартиб-таомилларни қўллашга йўл қўйилмайдди.

129. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендер иштирокчисининг малага талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларининг давлат харидларининг электрон тизимига бириктирилиши назарда тутилмиши мумкин. Қон-геология вазирлиги тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар бўйича иштирокчининг малагисини баҳолашга ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

130. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими **автоматик равишда:**

тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашга ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра тендерда иштрок этиши лавом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархли таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) галиб сифатида аниқлайди.

Тендер таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортик иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи галиб деб танилади.

Тендер таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортик иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг яхши таклифни берган иштирокчи галиб деб танилади.

Захирадаги галибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

131. Харид комиссияси аъзолари давлат харидларининг электрон тизимда автоматик равишда шакллانган янгиланишнинг электрон баённомаларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма давлат харидларининг электрон тизимда автоматик равишда эълон қилинади.

132. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида:

тендер таклифлари кўриб чиқилмаган ҳамда баҳоланмаган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчиларни ваколатли нақилларининг таркиби ҳақидаги;

тендер таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчиларни тўғрисидаги;

қар бир тендер таклифларини баҳолаш натижаларининг ёзилмаси ҳақидаги;

тендер таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер галибга (захира галибга) тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер галибининг номи (юрidik шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), жойлашган жойи (почта манзили) ҳақидаги ахборот бўлиши керак.

133. Қон-геология вазирлиги галиб бўлган таклиф ақсептига қадар исталган вақтда тендерни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Тендер бекор қилинган тақдирда Қон-геология вазирлиги давлат харидларининг электрон тизимда мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

134. Қон-геология вазирлиги тендер бекор қилинганини учун жавобгар бўлмайди, буздан тендер Қон-геология вазирлигининг таъриқонуний харақатлари (харақатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

6-§. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

135. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ҳолиб аниқланган вақтдан бошлаб **ўн икк** кундан кечиктирмасдан тузилади.

136. Кон-геология вазирлиги тендер шартларига мувофиқ қабул қилган таъминот суммаси ёки таъминотига оид бошқа ҳужжатлар қўлидаги ҳолатлардан бири рўй берган тақдирда, иштирокчига ёки ижрочига дарҳол қайтарилшини таъминлади:

таклифни таъминотида оид ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

шартноманинг кучга кирishi ва ушбу шартноманинг бажарилшини таъминлашини, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидлари бекор қилинса;

таклифларни қўборишининг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг қайтариб олинishi, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олинishi йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

137. Тендер иштирокчилари тендер шартлари ва тендерни ўтказиш тартиб-тўқималари бузилган ҳолатларда тендер натижаларидан белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

138. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган харжатлар учун жавобгар бўлмайди.

139. Харид комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади.

140. Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади ва оператор томонидан Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

141. Кон-геология вазирлиги томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишини назарда тутувчи харид қилиш тартиб-тўқималарини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фволиятини тартибга солиш, тендер иштирокчиларни томонидан таклифларни бериш, тендер иштирокчиларининг таклифларини қўриб олиш ва баҳолаш, ҳолиб ва захира ҳолибни аниқлаш, тендер натижаларини расмийлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

142. Тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш 6 йилда келтирилган:

6-Жадвал

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I-босқич	Кон-геология вазирлиги	1. Тоқ соқли ва қанда етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссиясини тузиш. 2. Харид комиссиясининг хар бир аъзосига ва масъул қотибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очиди. 3. Тендер ўтказиш ҳақидаги эълонини, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатининг ва шартнома лойиҳасининг матнини ишлаб чиқариш ва харид комиссиясига	Заруратга кўра

		келлиши учун электрон шаклда киртади.	
2-босқич	Харид комиссияси	Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини қўқунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқилди ва келишилди.	Заруратга кўра
3-босқич	Кон-геология вазирлиги	Харид комиссияси билан келишилган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Заруратга кўра
4-босқич	Кон-геология вазирлиги	Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштиради.	Таклифларни қабул қилиш муддати тулагандан сўнг дарҳол
5-босқич	Иштирокчи	Тендер таклифни электрон таклиф кўришишда ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этади.	Эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай
6-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Тендер таклифи иштирокчилар, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари ва бошқа шахслар томонидан ҳўрилганига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифни тақдим этган иштирокчи мустасно. 2. Иштирокчи таклиф этилаётган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. 3. Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилган мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифни рад этади.	Тендер таклифларини очиб муздати етиб келунига қадар
7-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни харид комиссияси масъул котиби ва аъзоларига кўриш имкониятини беради. 2. Тендер таклифнинг маълум, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар тендер	Таклифларни қабул қилиш муддати тулагандан сўнг дарҳол

		таклифининг олдинги қисми баҳолашнинг якунидан сўнг кетма-кетлик билан ошқор қилинишини таъминлайди.	
8-босқич	Харид комиссиясининг маъсуд котиби	1. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади. 2. Тендер таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича қарорининг асосланган сабаблари билан тасдиқлаш учун харид комиссиясига киритади.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирк беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
9-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тендер таклифининг миклорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирк беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
10-босқич	Харид комиссияси	Миклорий кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифининг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларининг овоз бериш оралиги таққослашнинг амалга оширилади ва баҳолайди.	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирк беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда
11-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	1. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб; тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашнинг илҳом берган ҳолида энг юқори баҳо тўплаган иштирокчининг (баҳо усулидан фойдаланганда); тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра тендерда иштирок этишнинг давом эттиришига руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархли таклиф этган иштирокчининг (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) қолиб сифатида аниқлайди. 2. Иккинчи ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил баҳо тўплаган бўлса (баҳо усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), тендер	Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирк беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда

		таклифини беришдан олдин жойлаштириш шартномага қўйиб деб ҳисоблайди. 3. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижаларини автоматик равишда нақдланган электрон баённомада қайд этади.	
12-босқич	Харид комиссияси аъзолари	Электрон баённомадан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзолайди.	Таклифлар бериш тугатган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кундан кўп бўлмаган муддатда
13-босқич	Кон-геология вазирлиги	Ҳолиб деб топилган иштирокчи билан электрон шаклда шартнома тузади.	Ҳолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунда
14-босқич	Давлат харидларининг электрон тизими	Тузилган шартнома тўғрисидаги маълумотларни Шартномаларнинг ягона реестрига жойлаштиради.	Автоматик равишда
18-босқич	Кон-геология вазирлиги	Товарлар шартномада кўрсатилган техник параметрларга мувофиқ қабул қилинади	Шартномада кўрсатилган муддат давомида

7-боб. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари

1-§. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харидларини амалга ошириш тартиби

143. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари Қонуннинг 71-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 27.09.2018 йилдаги ПК-3953-сонда белгиланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

144. Кон-геология вазирлиги тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан **уч иш кун ичида** махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

145. Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

146. Кон-геология вазирлиги ушбу параграфда назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-қоидаларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам Қонун ва ушбу Низом талабларига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

147. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга руҳсат берилса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисобдан миқдорининг олти минг баравари миқдоригача бўлган шартнома ва шартномага оид қўшимча келишулар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилмайди.

2-§. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш

148. Ягона етказиб берувчилардан харидни амалга ошириш учун Кон-геология вазирлиги ягона етказиб берувчилар реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) фойдаланади.

149. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) оани зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамма Коп-геология вазирлиги ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилди ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилгани лозим.

3-§. Ягона етказиб берувчилар реестри

150. Ягона етказиб берувчилар реестри шикоятли орган томонидан махсус ахборот порталда юритиладиган ахборот ресурсидир.

151. Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчидан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборатдир.

152. Реестрда контрагент мавжуд бўлмаса, Коп-геология вазирлиги тўғридан-тўғри шартномани тузишга ҳақли эмас.

153. Реестрдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин.

8-боб. Яқунданчи қондалар

154. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш, шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати қонуinchиликка мувофиқ амалга оширилади.

155. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартноманинг қуйидаги муҳим шартларини:

товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга;

товарнинг (ишнинг, хизматининг) сифатини ва ассортиментини ўзгартиришга;

товарнинг миқдорини ва баҳосини оширишга;

етказиб бериш муддатини узайтиришга (бундан форс-мажор ҳолатлар мустасно);

амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар қийматини шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг **10 фоиздан кўп** бўлган суммага оширишга йўл қўйилмайди.

Қонуinchилик ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри тузилган шартномаларининг муҳим шартларини ўзгартириш бўйича ушбу шартнома шартларига мувофиқ қўшимча келишув тузилиши мумкин.

156. Коп-геология вазирлиги ва давлат харидларининг электрон тизими оператори томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

157. Коп-геология вазирлиги қонуinchилик ҳужжатларига риоя этилиши, шартномалар қонуinchилик ҳужжатларига мувофиқ тузилиши ва шартнома бўйича ўч қиммасига юқлатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун, шунингдек, махсус ахборот порталига жойлаштирилган маълумотларининг, шикоятли давлат органларига тақдим этилган ҳужжатларининг ҳаққонийлигига ва ҳужжатларининг коғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлигига жавоб беради.

158. Харидлар жадрёнида Ички назорат бўлими Коп-геология вазирлигининг 2023 йил 12 апрель куни 27-сон буйруқ билан тасдиқланган “Тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш Сидсати” ва “Тоғ-қон саноати ва геология вазирлигида контрагентларни текширишга оид “Йўриқнома”да кўрсатилган вазифаларни амалга оширади.

159. Вазирлик Бухгалтерия ҳисоби бўлими ва харидлар бўлими хар чорак якунида амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлилининг ўтказиш учун уларни Ички назорат бўлимига тақдим этиб боради.

160. Мазкур Ичтом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонуinchилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш
бўйича Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон санъати ва геология вазирлиги
харид комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Маъқул низоми Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон санъати ва геология вазирлиги харид комиссиясининг (кейинги ўринларда — комиссия) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг қарор ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Тоғ-кон санъати ва геология вазирлиги буйруқларига ушбу низомига ҳамда амал қилади.

3. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Тоғ-кон санъати ва геология вазирлиги томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Давлат харидларини янада очик ва шаффофлигини ошириш учун харид жараёни иккита харид комиссияси ёрдамида амалга оширилади:

Ишчи гуруҳлар — тақлифларнинг техник қисмини кўриб чиқиш ва техник ҳулосаларни расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича тузилади. Тегишли йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари таркиби ва сон харид қилиш тартиб-таомилсининг турига боғлиқ бўлади ва олинётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари иккитта олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин ҳамда соҳага оид экспертларни тизимоти ташкилотларидан жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Харид комиссияси — харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг тақлифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда қолибчи (қолибларни) танлаш иборат. Шу билан бирга давлат харидларига оид муражаатларни кўриб чиқишда иштирок этади.

5. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул қотибига давлат харидларининг электрон тизимида шахсий ҳаббиет очилади.

6. Харид комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ҳолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

7. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

8. Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади. Комиссиянинг масъул котиби вазифаси баённома қарори билан белгиланади ва амалга оширилади.

9. Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериши мумкин.

10. Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

11. Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари ништирокчилари билан аффилианганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда ништирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

12. Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилианганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунинг қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришга йўл қўйилмайди.

13. Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилианганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

2-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва вазифалари

14. Харидларнинг очик ва шаффоф ўтказилишини, буюртмачилар томонидан қонунийлик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли назоратин амалга оширади;

15. Харид қилиш ҳужжатларини келишадиган ва электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди;

Таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

Таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

Зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгиләйди;

Дастлабки малака танловини ўтказди (агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса);

Зарур бўлганда дастлабки малака танлови нәтижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

Харид қилиш тартиб-таомилларини давлат харидларига оид Қонунчиликка мувофиқ амалга оширади;

16. Харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари қолибини ва зарур бўлганда захирадаги қолибини белгиләйди ёки савдон амалга оширган деб тонади.

3-боб. Яқунловчи қонда

17. Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилдётган қарорларининг асослидиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

18. Харид комиссияси давлат харидларининг бошиқа субъектлари томондан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

19. Мазкур Низом талабларининг бузилдишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.